
Вилоят судьялари иштирокида Ўзбекистон туманида давра суҳбати ўтказилди

Бугун, 30 ноябрь куни Ўзбекистон тумани Шўрсув шаҳарчасида жойлашган “ALBUS CEMENT GROUP” МЧЖ ўзбек-турк қўшма корхонасида “Инвестициявий низоларни судда кўриб чиқишнинг хусусиятлари” мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Бу ҳақда Ўзбекистон туманлараро иқтисодий суди маълум қилмоқда.



Унда Фарғона вилоят суди раиси ўринбосари А.Мадаминов, вилоят суди судьялари М.Умаров, Б.Мамадалиев, Ўзбекистон туманлараро иқтисодий суди раиси М.Мирмақсудов, туман Адлия бўлими бошлиғи Ғ.Санаев, тумандаги тегишли ташкилотлар мутасаддилари ҳамда “ALBUS CEMENT GROUP” МЧЖ ўзбек-турк қўшма корхонаси масъуллари иштирок этди.



Судьялар томонидан кун тартибидаги масала юзасидан тегишли ҳуқуқий тушунтиришлар берилиб, қатнашчиларни қизиқтирган ҳуқуқий мазмундаги саволларига батафсил жавоблар берилди.



Давра суҳбати давомида иштирокчиларга Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан тайёрланган “Инвестициявий низолар ва рақобатга оид ишларни суд муҳокамасига тайёрлаш ва уларни кўриш бўйича” қўлланмалар тарқатилди.

Ўзбекистон тумани ҳокимлиги

2021-11-30 17:26:12